

Саҳарларда истиғфор айтиш қалбга қувонч бағишлайди



10:00 / 19.06.2019 3725

Саҳар чоғида, атроф сокин, ҳаво мусаффо бир вақтда истиғфор айтишнинг ўзига хос гашти бор. Бу пайтда бедор бўлиш – таҳажжуд намози ўқиш, Қуръон тиловат қилиш, зикр-тасбеҳ, истиғфор айтиш, қалбга қувонч, танага тетиклик бағишлайди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

Сабр қилувчилар, содиқлар, доимий тоат қилувчилар, нафақа қилувчилар ва саҳарда истиғфор айтувчилардир (Оли Имрон сураси, 17-оят).

Ушбу белгилар Ислом жамияти аъзоларининг ҳар бири учун зарурий сифатлардир.

Одамлар айна ширин уйқудалигида туриб намоз ўқиш, истиффор айтиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун кучли иймон, ихлос, қунт, ҳафсала бўлиши керак.

Саҳобаи киромлар саҳарда истиффор айтишни одат қилишганди. Зеро, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳуга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга саҳарда етмиш марта истиффор айтишни буюрган эдилар.

Улуф саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу тунги намозни ўқиб бўлиб, хизматчиларидан: «Эй Нофееъ, саҳар кирдимиз?» деб сўрардилар. Агар Нофееъ ҳа деса, тонг отгунча дуо ва истиффор билан машғул бўлар эдилар.

Иброҳим ибн Ҳотиб отасидан ривоят қилади: «Мен саҳарда масжид бурчагида бир киши: «Парвардигорим! Сен буюрдинг, мен итоат этдим. Ҳозир саҳар вақти. Менинг гуноҳларимни кечир!» деб дуо қилаётганини эшитдим. Қарасам, у Абдуллоҳ ибн Масъуд экан ».

Дарҳақиқат, саҳарда истиффор айтувчилар энг гўзал ва соф чоғда Аллоҳ таолога дардини очиб солади. Шунингдек, мазкур сифатларга эга бўлган инсонлар учун барча нозу неъмат, роҳат-фароғат устига Аллоҳдан розилик ҳам бор. Боз устига, у вақтда истиффор айтиш юксак мартабаларга эриштиради.

«Астағфируллоҳаллазий ла илаҳа илла ҳувал ҳаййул қойюм ва атубу илайҳ».

Islom.uz портали таҳририяти